

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҶАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ИСМАНОВА АРОФАТ АБДУЛХАМИДОВНА

**ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ПЕДАГОГИК
ПРОФИЛАКТИКА ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими тизими мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Исманова Арофат Абдулхамидовна

Диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактика тизимини

такомиллаштириш

(Ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими тизими мисолида)3

Исманова Арофат Абдулхамидовна

Совершенствование системы педагогической профилактики религиозного
экстремизма и терроризма

(на примере системы среднего специального, профессионального
образования).....25

Ismanova Arofat Abdulkhamidovna

Improving the system of prevention of religious extremism and terrorism
(for example, specialized secondary and vocational education)47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 50

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҶАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ИСМАНОВА АРОФАТ АБДУЛХАМИДОВНА

**ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ПЕДАГОГИК
ПРОФИЛАКТИКА ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими тизими мисолида)

13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестацияси
комиссиясида B2017.1.PhD/Ped97 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Миллий гоя ва мафкура илмий амалий-марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг www.tgpu.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қуронов Мухаммаджон,

педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бегматов Абдуллажон Сироҷидинович,

фалсафа фанлари доктори, профессор

Шермуҳаммадов Баҳодиржон Шермуҳаммадович,

педагогика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Қарши Давлат Университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамили Илмий кенгашнинг 2017 йил “___” соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-үй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tgpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-үй. Тел.: Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2017 йил “___” ____ куни тарқатилди.

(2017 йил “___” ____ даги ___ рақамили реестр баённомаси).

Ш.С.Шарипов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д, проф.

Р.Г.Исянов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доц.

Д.Д.Шарипова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., проф.

Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугун жаҳон ҳамжамияти олдида турган улкан муаммолардан бири бутун инсониятни хавотирга солаётган диний экстремизм ва терроризм таҳдидлари бўлиб турибди. Глобаллашув воситаларидан куч олган бу таҳдидлар кундан кунга авж олиб, кучайиб бормоқда. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари, минтақаларида диний экстремизм ва терроризм оқибатида қонли тўқнашувлар ва ашаддий хунрезликлардан юз минглаб одамлар қурбон бўлмоқда. Натижада, тинчликни таъминлаш учун ана шу иллатларга қарши профилактик ишлар олиб бориш зарурати тобора катта аҳамият касб этмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг бешта устивор йўналиши бўйича Харакатлар Стратегиясининг 2.4-бандида: “жиноятчиликка қарши кураш ва ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш; диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш”¹ долзарб вазифа этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2017 йил 8-9 июнь кунлари Остонада бўлиб ўтган Саммитида сўзга чиқиб, ташкилотга аъзо мамлакатлар раҳбарларини ўсиб келаётган ёш авлод турли бузғунчи ғоялар ва радикал гуруҳларга қўшилиб кетишининг олдини олишга қаратилган аниқ чораларини қўллашга чақирди. “Асосий эътиборни, – деди Президентимиз, маърифатга, ёшларнинг маънавий ва ахлоқий тарбиясига қаратиш, уларда билим ва ўз устида ишлашга интилишни шакллантириш муҳим, деб ҳисоблаймиз”².

Мустақиллик арафасида ва истиқлоннинг дастлабки йилларида мамлакатимизга ислом дини ниқоби остида биз учун ёт қарашларни тарғиб қилувчи гуруҳлар собиқ шўро тузумидан кейин пайдо бўлган мафкуравий бўшлиқдан фойдаланиб, диний ақидапарастлик ғояларини тарғиб қила бошлади. Дунё ҳамжамиятини ташвишга солган Яқин Шарқда содир бўлган, “Араб баҳори” номини олган воқеалар ва ундан кейинги воқеалар ривожи, ИШИД нинг юзага келиши ва бутун инсониятга таҳдид солиши дунё мамлакатлари қатори мамлакатимизда ҳам ёшларда огоҳликни кучайтиришга қаратилган педагогик профилактик ишларни юксак даражага қўтаришни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бугунги кунда ижтимоий-маънавий муҳитни ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан асраш масаласи барчамиз учун энг асосий масала бўлиб турибди”³ – деган сўzlари ёшларни диний экстремизм ва терроризм балосидан огоҳлантиришимизда бир қатор аниқ вазифаларни

¹ “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар Стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 феврвлдаги ПФ-4947-сонли фармони.

² Бузғунчи кучлар ахборот технологияларидан янада кенгроқ фойдаланмоқда. <http://kun.uz/79525564>. 2017 йил 9 июнь.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июнь куни “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизни соғлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжумандада сўзлаган нутқидан. www.aza.uz.

белгилаб берди. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 январдаги З-сонли “2016 йилда ижтимоий-маънавий мухит баркарорлигини таъминлаш, конфессиялар ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган чоратадбирлар Дастири” ва 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160 сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласи.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва хукуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон файласуф, тарихчи, террологлари А.Карайни, В.Друзин, Г.Грачев, Е.Фастова, И.Засурский, И.Колотилова, М.Гогуева, Н.Гильмутдинова, О.Карпова, О.Половко, С.Кара-Мурза ва бошқалар томонидан мафкуравий технологиялар, геосиёсат, ахборот, мафкуравий, психологик курашларнинг хусусиятлари, аҳоли, ёшларга хавф солаётган мафкуравий таҳдидлар, манипуляция, “оммавий маданият”нинг глобаллашуви, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий жиҳатларига йўналтирилган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасида диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг сиёсий, хукуқий масалалари хукуқшунос олимлардан А.Камаров, Д.Раҳимов, М.Зиямова, М.Ражабова, С.Ибрагимова, С.Кахаров, Х.Казакханов, Ш.Ёвкочев, Б.Таджиханов ҳамда сиёsatшунос олимлардан У.Убайдуллаев, Ш.Пахрутдинов ва бошқ. томонидан тадқиқ қилинган.

Миллий мафкура, ғоялар кураши, диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг олдини олиш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш масалалари билан мустақиллик йилларида ўзбекистонлик тарихчи, социолог, файласуф, сиёsatшунос олимлар А.Бегматов, А.Закурлаев, А.Юнусов, Б.Ирисов, Б.Очилова, Г.Туленова, З.Хуснидинов, И.Кудрявцев, М.Бекмуродов, М.Лафасов, М.Хаджиева, М.Юлдашев, Н.Сафарова, Р.Тошкуватова, С.Туйчиева, Қ.Куронбоев, Қ.Назаров ва бошқ. тадқиқотлар олиб борди.

Педагог ва психолог олимлар Б.Ходжаев, В.Каримова, Г.Ибрагимова, Д.Рўзиева, З.Азимова, З.Курбаниязова, З.Қосимова, М.Абдужабборова, М.Қуонов, О.Жамолдинова, О.Мусурмонова, Р.Орирова, Ш.Акрамова, Ҳ.Норқулов ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўқувчи-ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг назарий, амалий ва услубий масалалари ўрганилган.

Диний экстремизм ва терроризмнинг диний мутаассиблик ва ақидапарастлик билан боғлиқ жиҳатлари ўзбекистонлик диншунос олимлар А.Жузжоний, А.Закурлаев, А.Ҳасанов, З.Мунавваров, З.Хуснидинов,

И.Мирзиётов, К.Захидов, М.Раджабова, С.Абдуллаев, Ф.Кароматовнинг илмий изланишларида ўрганилган.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактикага зарурат нафақат Ўзбекистон Республикаси, балки дунёнинг барча мамлакатлари учун жуда долзарб бўлишига қарамай, ушбу муаммонинг етарлича илмий-педагогик тадқиқ қилинмаганлиги диссертациямиз мавзусини “Диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактика тизимини такомиллаштириш” тарзида белгилашга асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти (собиқ) Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-2012-43. Миллий ғоя воситасида ахолини турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишнинг инновацион метод ва воситалари, А1-ФҚ-0-40796. Миллий ғоя тарғиботи орқали ўзбек менталитетида прагматик ва бунёдкорлик фазилатларини шакллантириш жараёнларини оптималлаштириш, А1-ФҚ-0-75674 А1-061. Мустақиллик йилларида эришилган тарихий ғалабалар ҳамда эзгу ғоялар рўёбини илмий-амалий ўрганиш ва тарғиб қилиш усуллари” мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактик ишларнинг ижтимоий- педагогик тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг ёшлар онги ва қалбига таъсир кўрсатиш усуллари ва уларга қарши мафкуравий профилактиканинг халқаро илғор тажрибаларини таҳлил қилиш;

диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактик ишларни амалга оширишнинг ижтимоий-педагогик тизимини ишлаб чиқиш;

оила, маҳалла ва таълим муассасасининг диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактик имкониятларини ижтимоий педагогик мувофиқлаштиришни такомиллаштириш;

диний экстремизмга мойил оиласида фарзандлари билан олиб бориладиган педагогик профилактика усулларини ишлаб чиқиш;

диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактика ишларини самарадорлигини ошириш.

Тадқиқотнинг обьекти ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактика жараёни.

Тадқиқотнинг предмети ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактика тизимининг шакл ва методлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога доир сиёсий, террологик, фалсафий, социологик, психологик, педагогик, хукуқий адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил; илмий фикрларнинг

назарий таҳлили ва синтези; педагогик кузатиш; социологик-педагогик (кузатиш, сұхбат, анкета, сўровнома); педагогик эксперимент; мониторинг; натижаларни математик ва статистик таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

диний экстремизм ва терроризм мағкурасига қарши кураш бўйича халқаро тажриба, ижобий ютуқларни ўрганиш асосида педагогик профилактиканинг такомиллаштирилган йўналишлари ишлаб чиқилган;

диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактик ишларни такомиллаштиришнинг ижтимоий-педагогик тизими ишлаб чиқилган;

оила, таълим муассасаси ва маҳалланинг диний экстремизм ва терроризмга қарши ижтимоий-педагогик ҳамкорлигининг самарали профилактик шакл, услугуб ва воситаларининг имкониятлари очиб берилган;

диний экстремизмга мойил оиласар билан олиб бориладиган педагогик профилактик ишларни такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган;

ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактикани амалга оширишда оилас-мактаб-таълим муассасаси ҳамкорлигининг самарали услублари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

диний экстремизмга мойил оиласар фарзандлари онги ва дунёқарашини педагогик коррекциялаш усуллари ишлаб чиқилган ва “Бир зиёли – беш оиласа маънавий ҳомий”, “Бир таҳдидга беш зарба”, “Ижтимоий-педагогик таҳлил”, “Кинолекторий” ижтимоий-маърифий лойиҳалари орқали педагогик профилактика ишларига жорий қилинган;

диний экстремизм ва терроризмнинг тарғибот усуллари ўрганилган ва улардан ёш авлодни ҳимоя қилишнинг восита, шакл ва усуллари жорий этилган;

ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактика натижадорлиги мезонлари ишлаб чиқилган;

педагогик профилактика самарадорлигини оширишга қаратилган ўқув-тренинг дастурлари, илмий-амалий қўлланма ва воситалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган тадқиқот натижасида педагогика фани таълим-тарбия тизими субъектлари орасида диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактик ишлар самарадорлигини ривожлантиришга йўналтирилган назарий ёндашувлар, қарашлар, концептуал асослар, илмий педагогик тавсиялар билан бойитилганлиги; диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактик ишларни такомиллаштиришнинг ижтимоий педагогик моделининг мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга доир давлат сиёсати, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашга доир ислоҳотлар мазмунига мослиги; олинган натижаларнинг репрезентативлиги; илгари сурилган илмий ғояларнинг ўтказилган тажриба-синов натижаларидаги ижобий ўзгаришлар билан тасдиқланганлиги; ҳаққонийлиги ва ишончлилиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, изланишлар натижасида ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида диний экстремизм ва терроризмга қарши ижтимоий педагогик профилактиканинг назарий ва услубий асослари ишлаб чиқилди. Бунда ижтимоий-педагогик фаолият технологик мажмуасининг қўлланиши асосида ўсмиirlар хулқида мағкуравий бузилишга олиб келувчи сабаб ва омиллар назарий жиҳатдан ўрганилди; диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактик ишларни амалга оширишнинг ижтимоий-педагогик модели ишлаб чиқилди; диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактика самарасининг ошишига олиб келадиган ижтимоий-педагогик ресурслар аниқланди ва улардан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди; ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тренинг дастурлари, услубий мажмуалар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижалари педагогика, психология, ҳуқуқшунослик, маънавият асослари, ижтимоий фалсафа, тарбиявий ишлар методикаси, педагогик технология, педагогик маҳорат, миллий ғоя, диншунослик каби фанлар мазмунини бойитишга хизмат қиласди. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринbosарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокида маҳаллий ҳокимият органлари раҳбар кадрларининг давлат бошқаруви, сиёсий, ижтимоий-иктисодий соҳалардаги малакасини ошириш максадида ўтказилган ўқув-семинарларида, узлуксиз таълим муассасаларида, фуқаролик жамияти институтлари, ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбар ходимларини ўқитиш, маънавият ва маърифат ходимлари малакасини ошириш, педагог кадрлар малакасини ошириш, Имом Бухорий халқаро марказида имом-хатиблар малакасини ошириш курсларида, маҳаллалардаги “Ота-оналар университетлари” фаолиятида фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактика самарадорлигини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар, диний экстремизм ва халқаро терроризм мағкурасига қарши курашнинг халқаро тажрибасини ўрганиш асосида педагогик профилактиканинг илмий асосларини такомиллаштиришга доир таклифлардан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 январдаги 3-сонли (2, 3, 4, 7, 10, 12, 13, 14, 38, 39, 40, 44-бандлари) ҳамда 8 январдаги 9-сонли (2, 5, 8, 15, 16, 17, 18.ю 19, 20, 34, 47, 53-бандлари) баёнлари билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурларини тайёрлаш ва ижросини таъминлашда, шунингдек, Бош вазир ўринbosарининг 2016 йил 18 августдаги топшириғи билан тасдиқланган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мониторинг грухи фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 ноябрдаги №08/1-250 сонли маълумотномаси).

Натижада Вазирлар Маҳкамаси тамонидан чиқарилган Давлат дастурлари ва қарорларида бу таклифлар киритилиб, амалиётга жорий этилган.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактиканинг самарадорлигини оширишга қаратилган ўқув-тренинг дастурлари, илмий-амалий қўлланма ва воситалари ҳамда таклифларидан касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда “Маънавият асослари” ва “Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллари” фанларини ўқитишида ҳамда маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этишда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 мартағи 07/44-1-сон ва 2012 йил 21 февралдаги 32-сонли баёнларида белгиланган топшириққа асосан “Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари” маҳсус курси ўқитувчилари малакасини оширишда ва машғулотларни ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 13 октябрдаги X3-02/21-429-сонли маълумотномаси) Натижада ўқувчи-ёшлар ўртасида диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактик ишларнинг ижтимоий-педагогик тизими такомиллаштирилган. Мазкур таклифларнинг ёшлар ҳаётига жорий қилиниши мамлакатимизнинг барча ҳудудларида яшовчи ёшлар орасида диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактика самарадорлигини оширишда ижобий натижа берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот ишининг асосий натижа ва илмий хуносалари 3 та хорижий ва 15 та республика илмий анжуманида мухокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, 1 та монография, 1 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола (3 та хорижий илмий журнал)да ҳамда 15 та илмий-назарий конференцияда (2 та халқаро конференция) чоп эттирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 155 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотнинг мавзуси ва унинг долзарблиги асосланган, тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, обьекти ва предмети аниқланган, илмий ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг мухим йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан биргаликда диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, эришилган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

“Глобаллашув шароитида ёшларни диний экстремизм ва терроризм мафкурасидан химоя қилишнинг назарий асослари” деб номланган биринчи бобда “диний экстремизм” ва “терроризм” тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти, келиб чиқиши, жамиятга, ёшлар тарбиясига туғдираётган ҳавфи баён қилинган. Шунингдек, диний экстремизм ва терроризм – глобал таҳдид сифатида қаратилиб, уларнинг олдини олишнинг ижтимоий-педагогик жиҳатларига эътибор қаратилган. Диний экстремизм ва терроризм таҳдидининг олдини олишнинг ҳукукий, сиёсий ва маънавий-маърифий асослари тадқиқ қилинган.

Шунингдек, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарурати изоҳлаб берилган. Биз дуч келаётган информацион хуружлар, диний экстремизм ва терроризмнинг ёшларимиз онги ва қалбини эгаллашга қаратилган уринишлари ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг янги педагогик вазифаларини кўймоқда. Диний экстремистик оқимга қарши ижтимоий педагогик профилактика жараёнида “Фикрга қарши – фикр, ғояга қарши – ғоя, жаҳолатга қарши – маърифат” билан курашни самарали йўлга қўйиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, шиддат билан ўзгариб бораётган замон, глобаллашув жараёнининг жадаллашиши диний экстремистик оқим тарғиботчиларининг иш услубларини ҳам ўзгартириб юбормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти юксак минбарлардан туриб, диний экстремистик ва террористик ғояларга “жаҳолатга қарши маърифат” билан курашишга даъват этмоқда. Тадқиқотда ушбу ғоянинг мазмун-моҳияти ва татбиқ қилиш услублари асослаб берилган.

Диний экстремистик гуруҳларнинг мақсади – дин ниқобидаги мафкура асосида, кескин усуслардан фойдаланиб, ҳокимиятни қўлга олиш. Диний экстремистлар ўз мақсадларига низолар, ихтилофлар, қуролли тўқнашувлар орқали, яъни қон тўкиш ва зўрлик билан эришишни кўзлайди. Бу эса барча замон ва маконларда халқлар тараққиётига катта ғов бўлиб келган.

Диний-экстремистик оқимлар ўзларининг манфур ғояларини кенг жамоатчиликка тарқатиш, айниқса, ёшлар онгига сингдиришга ва шу йўсинда жамиятдаги барқарорликни издан чиқаришга ҳаракат қилмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, диний экстремизм ва мутаассибликнинг вайронкор моҳиятини очиб бериш, уларга молиявий, маънавий кўмак берувчи радикал диний-сиёсий ташкилотларнинг фаолиятини илмий-педагогик нуқтаи назардан ўрганиш “жаҳолатга қарши маърифат” билан курашишнинг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ушбу бобда яна Андижон воқеаларининг ижтимоий педагогик сабаб ва оқибатларини педагогик-профилактик таҳлил қилиш орқали нима учун айрим андижонлик ёшларнинг диний экстремистик ва террористик гуруҳларга кириб қолиш сабаблари баён қилинган. Зеро, диний экстремистик гуруҳлардан ёшларни химоя қилиш учун, энг аввало уларга кириб қолишларининг педагогик сабабларини англаб олмоқ даркор. Андижон воқеаларида иштирок этган Ўзбекистон мактаб, коллежларини битирган

айрим фуқаро, ёшларни “акромийлар” қайси педагогик методларни қўллаб, ўзларига жалб қилишди?

Шу ўринда Президентимизнинг “Бугун ёшлар сохта алдовларга учиб, ўз умрини хазон қилаётганини ўйлаб, тўғриси тунлари ухламай чиқаман. Ахир, кечагина бу ёшлар ўзимизнинг қоракўзлар, биримизнинг маҳалладошимиз, биримизнинг ўғлимиз, биримизнинг қизимиз ёки жиянимиз эдику! Улар қачон адашди, қачон нотўгри йўлга кириб кетди? Биз нега ғафлатда қолдик? Қачон, қаерда хатога йўл қўйдик? Фарзандларимиз қачон бегоналар қўлига ўтиб кетди? Нима жин урдию, улар ўз ота-онаси, ўз юртининг душманига айланиб қолди?”⁴ – деган хитоблари ҳаммамизни чукур мулоҳаза қилишга даъват этади. Чунки бу ўта ҳақли савол. Диссертациянинг ушбу бобида ёшларимизнинг диний экстремистик ва террористик оқимлар таъсирига тушиб қолиш сабаблари очиб берилган.

“Акромийлар”нинг ёшларни алдаш, амалий даъват услуби бошқа диний-ақидапарастларнидан фарқли бўлиб, ёшларга мафкуравий тузоқ қўйишга асосланган ва ўзларининг маҳсус таълим-тарбия тизимида тарбиялашган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим.

Мана, улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар:

“Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, баҳтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, баҳтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”.

Қаранг, қандай бебаҳо, олтинга тенг сўзлар!

Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёхвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада яққол аён бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда⁵ – деган сўзлари ҳам бугунги кунда бу масала нақадар муҳимлигини билдиради.

Диний экстремизм ва терроризм мафкурасига қарши педагогик профилактика самарадорлигининг зарурий тамойилларидан бири унинг тезкорлиги бўлиб, у ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизни соғлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуマンда сўзлаган нутқи / “Ҳалқ сўзи” газетаси. 2017 йил 17 июнь.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишлиланган нутқи. 2016 йил 7 декабрь.

ўқувчилар хулқини илмий-амалий ўрганиш, ташхислаш ва тезкор чоратадирилди, белгилаб, зарур натижани таъминлашга йўналтирилмоғи талаб этилади.

Диний экстремизм ва терроризм мафкурасига қарши қурашда педагогик профилактика самарадорлигининг асосий натижаси – ўқувчининг маънавий-мафкуравий огоҳлигидир. Зеро, фақат огоҳ ўқувчигини мамлакатда ва унинг ташқарисида содир бўлаётган воқеаларни мустақил таҳлил қила олади, мустақил фикр ва позициясини билдириб, нафақат ўзини, балки бошқаларни ҳам ҳимоя қила олади.

Диссертациянинг “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида педагогик профилактика ишларида ижтимоий хамкорликни такомиллаштириш” деб номланган 2-бобида оилаларнинг диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактик имкониятлари, оилаларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, таълим муассасаларининг диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олишдаги педагогик профилактик иш услублари ва профилактик ишларни амалга оширишда ижтимоий-педагогик тизимни такомиллаштиришдаги имкониятлари, диний экстремизм ва терроризмга қарши ижтимоий педагогик профилактиканинг шакл, услугуб ва воситалари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактик имкониятлари ёритиб берилган.

Маҳаллаларда ўтказган таҳлилларимиз фарзанд тарбиясида оталарнинг роли сусайиб бораётганини кўрсатди. Бу айниқса оиласида ғоявий тарбия учун жуда муҳим. Ота эркак бўлгани учунгина эмас, балки у оила бошлиғи сифатида ҳам оиланинг иқтисодий таъминоти билан бирга ғоявий тарбиясига ҳам тўла жавобгардир. Оталар нафақат ўзларининг, балки фарзандларнинг ҳам бўш вақтларини фойдали ўтказиш учун масъулдирлар.

Оиласида билан ўтказилган сухбатлар натижасида:

- оиласида ота-оналарнинг фарзандларига тарбия берадигани ва уларнинг фарзанд тарбиясидаги лаёқатини ўрганиш;
- маҳалла фаолларининг ҳар бир оиласида бир йилда камида икки марта мақсадли кириб, сухбат ўтказиб боришиларни кенг йўлга қўйиш;
- фарзанди чет элга кетган ота-оналар билан ҳар ойда бир марта чет элдаги фарзанди тўғрисида сухбат ўтказиб бориши;
- чет элга чиқиб кетаётган фуқаролар, айниқса, ёшлар билан мутахассислар иштирокида сухбат ўтказиб, натижасини қайд этиб бориши ва бу масалани қатъий назоратга олиш;
- турмуш қуриш арафасида турган ёшларни (қизни алоҳида, йигитни алоҳида) психолог сухбатидан ўтишини (унда ҳар икки ёшнинг дунёқараши ўрганилади) жорий қилиш;
- ҳар йили бир марта ота-оналар учун ўқув-семинарлар ташкил этишини жорий қилиш;
- “Ота-оналарга мурожаат” номли матн тайёрлаб (унда диний-маърифий тарбияга оид маслаҳат ва тавсиялар, огоҳликка даъват ўз аксини

топади), ҳар бир хонадонга етказилишини таъминлаш каби ишларни амалга ошириш лозимлиги аниқланди.

Тадқиқот доирасидаги масалаларнинг илмий-амалий ечимларини муҳокама қилиш ва илмий-амалий профилактик тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида Миллий гоя ва мағкура илмий амалий маркази ҳамда Андижон вилоят ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда 2015 йил 1 июнь куни “Ёт ғояларга қарши профилактик ишларнинг ижтимоий-педагогик тизими” мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ўтказилди. Унда 200 нафардан ортиқ ички ишлар бошқармасининг ёшлар, аҳоли билан профилактик ишлар олиб борувчи ходими, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими раҳбари, маҳалла фаоли, ота-она қатнашди.

2004 йилдан бошлиб, ҳар бир маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Мамлакатимизнинг 10 000 га яқин маҳаллаларида аҳолига миллий-диний анъаналарнинг маъносини тушунтириш, диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактик ишларни ташкил этиш, бузгунчи, ёт ғояларга қарши тарғибот ишларини олиб боришнинг асосий вазифалари, маҳалла билан таълим муассасаси ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни ташкил қилишда маслаҳатчиларнинг роли ниҳоятда катта.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг педагогик, ҳукуқий, сиёсий, диний билимларини аниқлаш мақсадида социологик сўров ўтказилди. Сўровларда 276 нафар маҳалла маслаҳатчиси респондент сифатида қатнашди. “Сиз бажараётган вазифалар орасида энг қийини қайси бири? деган саволга жавобан уларнинг 89% и “Энг мураккаби – норасмий ғоялар таъсирига тушган аёллар ва ўсмирлар тарбияси билан шуғулланиш” эканини таъкидлadi.

Сўровнома маълумотлари таҳлили асосида бир қатор ижтимоий-педагогик муаммолар аниқланди:

- маслаҳатчиларнинг педагогик билим даражалари етарли даражада эмас;
- маслаҳатчилар ўз вазифаларини англаб етиб, бажариш ўрнига кўпроқ жамоатчилик асосида қилинадиган ишлар билан шуғулланаётганликлари (ободонлаштириш, гуллар экиш, кўчалар тозалаш);
- улар томонидан оилалар билан бола тарбияси ҳақида маърифий сұхбатларга жуда кам ажратяпти;
- оилаларнинг маҳаллада ёшлар тарбиясига маъсул диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи билан педагогик ҳамкорлиги қониқарсиз.

Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиқиб, уларнинг педагогик профилактик билимларини оширишга хизмат қиладиган услубий, ижтимоий, педагогик, профилактик муаммолар ечимларига қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

“Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактика самарадорлигини ошириш” деб номланган учинчи бобда диний экстремизмга мойил оила фарзандлари билан олиб бориладаган педагогик-профилактик иш йўналишлари, педагогик профилактиканинг комплекс воситаси сифатида ўқувчиларнинг давомати ўрганилди. Педагогик профилактика ишларини тизимли амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлигини самарали ташкил этиш механизмлари ишлаб чиқилди. Президентимиз 2017 йил 15 июнь куни диний уламолар билан ўтказган анжуманда ҳам, Тошкент шаҳри ва Андижонда фаоллари билан ўтказилган йиғилишда давомат масаласига жиддий тўхталиб: “Биронта ўқувчи ёки талаба узрсиз ўқишга келмай қолса, таълим маскани ҳам, оила ҳам, маҳалла ҳам, ҳокимлик ҳам бу тўғрида бонг уриши, сергак тортиши, буни фавқулодда бир хол деб баҳолаш керак. Ана шундай назорат тизими самарали ва ўзаро боғлиқликда ишлайдиган бўлса, албатта, биз вазиятни қўлга олиб, уни ижобий тамонга ўзгартира оламиз,⁶ – дея, ушбу ўқувчининг давомат масаласи – ижтимоий-педагогик профилактиканинг комплекс воситаси сифатида баҳоладилар. Ҳозирги пайтда касб-хунар коллежларимиздаги давомат масаласи энг асосий муаммолардан бири бўлиб туриди. Буни қуйидаги фактлар асосида шарҳлаш мумкин: Андижон вилоятида 129 та академик лицей ва касб-хунар коллежлари бўлиб, унда 133 000 нафар талаба тахсил олади, яъни 15-18 ёшгача бўлган ўсмирлар. Вилоят бўйича ўртacha давомат 87% ни ташкил этди. Демак 13% бола мунтазам дарс машғулотларига қатнашмади дегани. Бу – 17290 нафар ўқувчини ташкил этади. Хўш, бу ўқувчилар қаерда? Нима иш билан шуғулланяпти? деган педагогик-профилактик савол туғилади. Тажриба-синовлар давомида ҳар бир ўқувчининг дарсга келмаслик сабабини педагогик профилактик ўрганиш ва масалани ижтимоий ҳамкорликда ечишнинг шакл, восита, услублари ишлаб чиқилди.

Тажриба-синовлар Бухорода Бухоро банк коллеки, Ромитан педагогика коллеки, Вобкент иқтисодиёт коллеки, Андижонда Андижон индустрисал-педагогика коллеки, Андижон туман иқтисодиёт ва транспорт касб-хунар коллеки ва Жиззах юридик касб-хунар коллекларида ўтказилган. Ушбу бобда таълим муассасаларида ўтказилган тажриба-синов натижалари тажриба бошидаги ва тажриба яқунидаги натижалар таҳлил қилинган. Шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари ўқитувчилари, педагоглари, маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-аҳлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда ота-оналарнинг диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактик ишларга оид билим, кўникма, малакалари ўрганилди ва ривожлантирилди.


Ўрганиш натижалари қуйидаги жадвалларда ўз аксини топди.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизни соғлигини асраш – давр талаби” мавзуусидаги анжуманда сўзлаган нутки / “Ҳалқ сўзи” газетаси. 2017 йил 17 июнь.


1-жадвал.

**Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг диний экстремизм ва терроризмдан огоҳлигини ўрганиш натижалари
(тажриба бошидаги ва якунидаги ўзгаришлар нисбати)**

Ўтказилган жой	Гурӯҳлар	Ўқувчи-лар сони	Огоҳлик даражалари(нафар ҳисобида)		
			Юқори	Ўрта	Паст
			Таж.як.	Таж.як.	Таж.як.
			Таж.бош	Таж.бош	Таж.бош
Андижон туман иқтисодиёт ва транспорт касб-хунар коллежи	Тажриба гурӯҳи	421	308 113	60 207	53 101
	Назорат гурӯҳи	455	216 188	131 98	108 169
Жиззах юридик коллежи	Тажриба гурӯҳи	565	318 192	166 215	81 158
	Назорат гурӯҳи	556	204 181	172 200	189 175
Бухоро Ромитан педагогика коллежи	Тажриба гурӯҳи	533	306 121	128 229	99 183
	Назорат гурӯҳи	451	204 112	124 121	123 218
Жами ўқувчилар	Тажриба гурӯҳи	1519	662 426	354 651	233 442
	Назорат гурӯҳи	1462	327 213	902 843	233 406




1-расм. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг диний экстремизм ва терроризмдан огоҳлигини ўрганиш натижалари (тажриба гуруҳидаги ўқувчилик йўртасида).



2-расм. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг диний экстремизм ва терроризмдан огоҳлигини ўрганиш натижалари (назорат гуруҳида).

**“Диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактика”
ўқув-тренингидан қатнашган педагогларнинг диний экстремизм ва
терроризмга қарши педагогик профилактик билимларидағи
ўзгаришлар.**

Коллеж номи	Гурухлар	Ўқитувчи-лар сони	Ўзлаштириш даражалари (нафар хисобида)		
			Юқори	Ўрта	Паст
Андижон иқтисодиёт ва транспорт касб-хунар коллежи	Тажриба бошида	85	16	27	42
	Тажриба якунида	85	56	12	17
Жиззах юридик коллежи	Тажриба бошида	92	24	17	51
	Тажриба якунида	92	61	16	15
Бухоро Ромитан педагогика коллежи	Тажриба бошида	90	32	37	21
	Тажриба якунида	90	64	13	13
Жами ўқитувчилар	Тажриба бошида	267	72	81	114
	Тажриба якунида	267	181	41	45




З-расм. “Диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактика” үқув-тренингидан қатнашган педагогларнинг диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактик билимларидағи үзгаришлар.

З-жадвал.

Маҳалла фаолларининг ўқувчи ёшларда диний экстремизм ва терроризмдан огоҳликни оширишга қаратилган профилактик билимларидағи ўзгаришлар.


Ўтказилган жой	Гурӯҳлар	Маҳалла фаоллари сони	Ўзлаштириш даражалари (нафар хисобида)		
			Юқори	Ўрта	Паст
Андижон тумани	Тажриба бошида	71	16	23	32
	Тажриба якунида	71	51	10	10
Жizzах вилояти Жizzах тумани	Тажриба бошида	42	18	8	16
	Тажриба якунида	42	31	6	5
Бухоро вилояти Ромитан тумани	Тажриба бошида	51	18	21	12
	Тажриба якунида	51	36	12	3
Жами маҳалла фаоллари	Тажриба бошида	164	52	52	60
	Тажриба якунида	164	118	28	18



